

КУНГАБОҚАРНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Жаназақова Дилбархон Джумабоевна,
Рахимжонов Давронбек Дилшоджон ўғли**

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

***Аннотация:** Кунгабоқар ишлов бериладиган далада, кузги ва баҳорги бугдой ўрнига алмашлаб экилади. Бегона ўтлардан тозаланган баҳорги дон (арпа, бугдой) экинларидан кейин экиш мумкин. Кунгабоқарни қанд лавлаги, беда ва судан ўтидан кейин экилмайди, чунки бу экинлар тупроқни қуритиб юборади.*

***Калит сўзлар:** Кунгабоқар, уруғлар, деҳқон хўжаликлари, парваришлаш.*

Ерга ишлов бериш. Ўтмишдош экин қолдиқлари далада йиғиб олингандан сўнг, кунгабоқар экилиши режалаштирилган дала қаторли плуг билан 20-25 см чуқурликда шудгорланиши керак. Ерга ишлов беришда кўйиладиган асосий талаб кўп йиллик бегона ўтлардан тозалаш, текислаш, намни сақлашдан иборат. Кўп йиллик бегона ўтлар билан зарарланган ерларга кўп босқичли ишлов берилди: 6-8 см га дискланади, кейин 10-12 см чизелланади, оғир борона юргизилади (БДТ-7), ўт ўсиб чиққанда ер ҳайдалади.

Уруғларни экиш. Кунгабоқар етиштириладиган ҳудудларга мос бўлган, юқори даражада ҳосил берувчи кунгабоқар уруғларини махсус уруғчилик марказлари кўмагида таъминланади. Ишлаб чиқарувчилар бу уруғларнинг танловида қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор беришлари лозим:

а) кунгабоқар етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликларида ҳар йили мутлақо сертификатланган янги уруғ экишлари лозим;

б) экиладиган кунгабоқар уруғлари тоза, унувчанлик даражаси ва униб чиқиш кучи юқори бўлиши керак;

с) оробанч (*Orobanchе sp.*) ёки сил ўти аниқланган далаларда ҳосил пасайишига сабаб бўлмаслиги учун бу паразитга чидамли кунгабоқар уруғи

танланиши лозим, шунингдек, кунгабоқар етиштириш жараёнида оробанч зарари кузатилса, кимёвий кураш олиб борилиши зарур;

д) экиладиган кунгабоқар агар чириш (*Plasmopara helianthi* L.) ёки сўлиш касаллигига чидамсиз бўлса, бу касаликка қарши экилишдан олдин уруғ дориланиши лозим.

Ўзбекистонда кунгабоқар фермер ва деҳқон хўжаликлари эгалари томонидан парваришланиб келинаётган мойли ўсимлик ҳисобланади. Фермер ва деҳқон хўжалиги иш юритувчи ходимлари томонидан кичик майдонларда кунгабоқар етиштириладиган ҳолатларда асосан қўл меҳнати ёрдамида, катта майдонларда эса замонавий уруғ экиш сеялкалари ёрдамида уруғлар экилиб, парваришланиб, мўл ҳосил олишга эришиб келинмоқда. Уруғларнинг тезроқ униб чиқиши ва ундан юқори ҳосил олиш учун уруғларни экишдан олдин намлаб, имкони бўлса дорилаб экиш тавсия этилади. Бунинг учун кунгабоқар уруғларини тахминан 4-6 соат давомида намлаш ва уруғларни сояда қуритиш, писталар чақилиб кетишининг олдини олишга алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Экиш учун районлаштирилган навнинг уруғи экилади. Уруғ 1000 донасининг вазни 50-100 г бўлиши керак, унувчанлиги 95% дан кам бўлмаслиги, туп сони нам ерларда 40-50 минг, қисман суғориладиган ерларда 30-40 минг, лалми ерларда 20-30 минг ўсимлик бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кунгабоқар уруғини экишдан олдин фентиурам билан ишланади (3 кг/т), интенсив етиштириш технологияси қўлланганда ягана қилмаслик учун аниқ уруғ экилади. Ўртача 45-55 минг дона уруғ экилади ёки 5-8 кг/га уруғ олиш учун, 35-40 кг/га силос тайёрлаш учун, кунгабоқар экиш чуқурлиги 6 - 10 см, қатор ораси 70 см қилиб СУ ПН-8, СКПП–12 сеялкаларида кунгабоқар кенг қаторлаб экилади

Экинни парваришлаш. Қуруқ ҳавода экилган бўлса, катоклар билан зичлаштирилади. Қатқалокқа қарши борона юргизилади. Ўсув даврида қатор ораси 2 - 3 марта культивация қилинади. Қатор орасига ишлов беришда КРН-5,6А, КРН-4,2А ва қўшимча мосламалардан КЛТ-360, КЛТ-350 қўлланилади.

Озуқа ҳамда ўғит билан таъминлаш. Бошқа ўсимликларда бўлгани каби, кунгабоқар ҳам ўсиш ва ривожланишини давом эттириши, яхши ҳосил бера олиши учун тупроқдан маълум миқдорда озуқа моддаларини ўзлаштириши ҳамда олинган озуқа моддалар миқдори, ҳосил миқдорига қараб ўзгариб туриши аниқланган. Шу сабабли кунгабоқар етиштириладиган майдонларда минерал ўғитларни қўллашдан олдин тупроқдан намуналар олиниб агрохимёвий таҳлил қилиниши керак.

Баргдан қўшимча озиқлантириш. Кунгабоқар ўсимлигида илдиздан ташқари, яъни ўсимликни баргдан озиқлантириш бугунги кунда яхши самара бераётганлиги кузатилган. Асосан суюқ шаклда ишлаб чиқарилган баргдан озиқлантирувчи ўғитлар таркибида бир ёки бир нечта озуқа моддалари мавжуд. Ўсимликнинг ўсиш даврида дала тупроғида молибден, рух каби баъзи микро озуқа моддаларига бўлган танқислиги кузатилиши мумкин. Озуқа моддаси танқислиги аниқланган кунгабоқар далаларига Республикада тавсия этилган баргдан озиқлантирувчи ўғитлар ва стимуляторлар махсус пуркагичлардан фойдаланган ҳолда берилиши юқори самара беради. Тавсия этилган меъёрда баргдан озиқлантириш ишлари, кечга яқин қуёшнинг жазирама иссиқлиги бўлмаган пайтда амалга оширилса, ўсимлик барглари куйиши олди олинади. Шунини унутмаслик керакки, ўсимликка керакли бўлган асосий озуқа моддаларни кунгабоқар илдизлари орқали ўзлаштиради ва поясини тик тутиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Атабаева Х.Н., Худайкулов Ж.Б. “Ўсимликшунослик”, “Фан ва технологиялар” нашриёти, Тошкент-2018 йил. 407 бет.
2. Азизов Т., Анорбоев И., Тўхтаева С. Такрорий кунгабоқар етиштириш бўйича тавсиялар. <https://agro.uz/uz/services/recommendations/4613>.
3. Кенжаев Ю, Насиров Б., Турсунқулов А. Бегона ўтлар биологияси, зарари ва уларга қарши кураш чоралари. Илмий-оммабоп қўлланма. Тошкент-2018 йил. 5-10 б.т. 212 бет.
4. Ўзбекистон к/х экинлари Давлат Реестри. 2018-2021 йй.